

# Единый портал корпоративной информации

## Объявления

"Issiqlik Elektr Stansiyalari" AJ

Объявление

"ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

МУСТАҚИЛ ТАШҚИ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ЎРТАСИДА ТАНЛОВ

**“Иссиқлик электр станциялари” АЖ мустақил ташқи аудиторлик ташкилотлари ўртасида танлов ўтказилиши ҳақида эълон қилади.**

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 84-моддасига асосан Жамият билан тузилиши кутилаётган йирик битим ҳамда битимнинг шартларини ўрганиш мақсадида мустақил ташқи аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов эълон қилади.

**Танловда иштирок этиш учун мустақил ташқи аудиторлик ташкилотлари қуйидаги ҳужжатларни ёпиқ ҳолда тақдим қилиши лозим:**

- аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;
- аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумот;
- иштирокчининг танловда қатнашиши бўйича таклифи ва аудиторлик текширув ўтказишнинг дастлабки қиймати;
- аудиторнинг малака сертификатлари ва бошқа халқаро сертификатлар нусхалари;
- корпоратив бошқарув ёки қимматли қоғозлар бозори соҳасида сертификатлар нусхалари;
- аудиторлик ташкилотининг энг йирик мижозлари рўйхати ва соҳада тегишли иш тажрибаси;
- суғурта полисининг нусхаси;

**Тижорат таклифларини 2023 йил 6 июнь соат 15.00 га қадар қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин:** Ўзбекистон Республикаси, 100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 23-уй.

Шунингдек, таклифлар Жамиятнинг қуйидаги электрон манзилига юборилиши мумкин: [info@tpp.uz](mailto:info@tpp.uz) ([mailto:nd\\_dori\\_d@mail.ru](mailto:nd_dori_d@mail.ru)).

**Маълумот учун телефонлар:** (71) 276-48-46, (71) 276-48-03.

01.06.2023

---

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/15692/>

Дата: 06.05.2026